

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

ЖАЛИЛОВ ТУРСУНПҮЛАТ ҚАХРАМОНОВИЧ

**ЁҚИЛҒИ ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора
философии (Doctor of Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(Doctor of Philosophy) on economical sciences**

Жалилов Турсунпулат Қахрамонович Ёқилғи энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари.....	3
Жалилов Турсунпулат Қахрамонович Проблемы совершенствования финансирования инновационной деятельности предприятий топливно-энергетического комплекса.....	29
Jalilov Tursunpulat Kahramonovich Problems of improving the financing of innovative activities of enterprises of the fuel and energy complex	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

ЖАЛИЛОВ ТУРСУНПҶЛАТ ҚАХРАМОНОВИЧ

**ЁҚИЛҒИ ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt510 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчиларлар: **Жўраев Абдуғаффор Сафарович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Олимжонов Одил Олимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали**

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «21» 08 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (142 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26. info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «05» 08 кун тарқатилди.
(2020 йил «05» 08 даги 35 рақамли реестр баённомаси.)



Boat **Б.Э.Тошмуродова**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

N. N. Kalandarova **Н.Н.Каландарова**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

I. N. Kuziev **И.Н.Кузиев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг ўзгариши ва рақобатлашув жараёни кескинлашиб бораётган шароитда ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ривожлантириш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишни тақозо этмоқда. Шунингдек, қайта тикланмайдиган ресурслар ҳажмининг тобора қисқариши, ёқилғи-энергетика компаниялари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши шароитларида, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун мавжуд технологияларни замонавийлаштириш, янги технология ва инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий этиш, шунингдек жаҳон ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиётидаги рақобатлашув жараёнининг жадаллашуви ёқилғи-энергетика тармоғида инновацион ишланмаларни, жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришни фаоллаштиришни талаб этмоқда. Шу сабабли ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари инновацион фаолиятини молиявий таъминлаш механизмини тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади. Жаҳон мамлакатларида ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда турли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, шунингдек мазкур фаолиятга ажратилган маблағлар ҳажмига кўра АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Корея ва Франция каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ёқилғи-энергетика тармоғидаги замонавий компаниялар янги технологияларни ўзлаштирган ҳолда бозорда фаол рақобатлашмоқдалар, аммо жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг кескин ўзгариши ва нефт нархининг кескин ўзгариши уларни рақобатбардошликни бошқариш учун янги воситаларни фаол тарзда излашга мажбур қилмоқда. Мазкур жараёнда, ёқилғи-энергетика компанияларида инновацион фаолиятни рақобатлантириш, фаолиятга янги технологияларни жорий этиш асосида юқори илмий сифимли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали барқарорликка эришиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ёқилғи-энергетика мажмуасини янада ривожлантириш, унинг миллий иқтисодиётдаги улушини ошириш, инвестициялар жалб этишни кенгайтириш орқали тармоқ корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инновацион технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида соҳани самарали ривожлантириш учун таъсирчан бўлган замонавий илмий-тадқиқот ва ишланмаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий ёқилғи-энергетика корхоналари инновацион фаолиятини барқарорлаштиришда ушбу соҳани молиялаштиришнинг илмий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикландиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш»¹ муҳим йўналишлар белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши, хусусан, иқтисодиёт тармоқларида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва энергия тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш корхоналарда инновацион ишланмаларни жорий этишни фаоллаштириш ва уни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сонли «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил майдаги ПҚ-3697-сонли «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сонли «Нефтгаз соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг инновацион салоҳиятини оширишга қаратилган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фани ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион фаолиятни молиялаштириш ва самарали ривожлантириш масалалари кўплаб хорижий олимлар, хусусан, P.Druker, J.Shumpeter, R.Kjell, D.W.Pearce, M.T.Hansen, J.Birkinshaw, R.Wasserstrom, M.Jacobides, T.Knudsen, M.Augier, В.И. Аверченков, В.А. Берегов, С.В. Валдайцев, А.К. Казанцев, Н.Д. Кондратьев, В.М. Комаров, О.В. Никулина, О.В. Мирошниченко, Р.А. Фатхутдинов, С.А. Филин, Л.В. Эдер, И.В. Филиминова² ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А. Вахабов, М. Маҳкамова, А. Қодиров, А. Расулев, Ш. Зайнутдинов, Р. Нурибегов, С. Закирова, Г. Аллаева³ ва бошқаларнинг миллий иқтисодийнинг турли тармоқ ва соҳаларида

² Друкер П.Ф. Бизнес и инновации: пер. с англ./П.Ф.Друкер-М.: ООО «И.Д. Вильяме», 2007. - С. 69; Шумпетер, Й.А. Теория экономического развития [Текст] / Й.А. Шумпетер. – М.: Директ-Медиа, 2007. – 400 с.; Kjell R. Technology will continue to profoundly affect energy industry // Oil & Gas Journal, 30/III, 1998.; M.T.Hansen, J.Birkinshaw. The innovation value chain. 2007, Harvard Business review, 85, pp.121-130.; Wasserstrom R., Reider S. Oil firms in environmentally sensitive areas learning to balance stakeholder interests // Oil & Gas Journal, 18/VIII, 1999.; M.Jacobides, T.Knudsen, M.Augier. Benefiting from innovation: Value creation, value appropriation and the role of industry architectures. 2006, Research Policy, 35, pp. 1200-1221.; Аверченков В.И. Инновационный менеджмент: учебное пособие для вузов / В.И. Аверченков. – М.: Флинта, 2016. – 293 с.; Берегов В.А. Финансирование инноваций: проблемы теории и практики: монография. - СПб: СПбГИЭУ, 2007. - 162с.; Валдайцев С.В. Управление инновационным бизнесом/ Юнити-Дана, 2001, 343 с.; Казанцев А.К. Основы производственного менеджмента/ Инфра М, 2002, 422 с.; Кондратьев Н. Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения / Сост. Ю. В. Яковец. — М.: Экономика, 2002. — 768 с.; Комаров В.М. Современные теории инноваций: проблемы и перспективы общего подхода [Текст]: автореф. дис. ... канд. экон. наук / В.М. Комаров. – М., 2011. – 24 с.; Никулина О.В., Мирошниченко О.В. Сравнительный анализ особенностей финансирования инновационной деятельности компаний нефтегазового комплекса в мировой экономике. Финансовая аналитика: проблемы и решения. 32 (2016), с.- 23-39.; Фатхутдинов, Р.А. Инновационный менеджмент: учебник / Р.А. Фатхутдинов. – СПб.: Питер, 2006. – 400 с.; Филин С.А. Механизм реализации инвестиционной политики в инновационной сфере экономики / С.А. Филин. – М.: ИНИЦ Роспатента, 2004. – 274 с.; Эдер Л.В., Филиминова И.В., Проворная И.В., Немов В.Ю. Основные проблемы инновационного развития нефтегазовой отрасли в области добычи нефти и газа // Бурение и нефть. 2014. № 4. С. 16-22.

³ Вахабов А.В., Хажикабиев Ш.Х. Жаҳон амалиётида инновацион ривожланиш тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг айрим жиҳатлари. Иқтисод ва молия. 2016, №11, 2-10 б.; Маҳкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс.док. экон. наук. – Т.: 2004, – 291 с.; Кадыров А.М. «Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка». Научно-практическая конференция «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции». -Т., 23 апреля 2008 г.; Расулев А.Ф., Тростянский Д.В., Исмаилова О.А. Развитие инновационного потенциала и тенденции инновационной активности предприятий промышленности Узбекистана. Экономический вестник Донбасса, №2(40), 2015; Зайнутдинов Ш., Нурибегов Р., Калмуратов Б. Инновационный путь развития экономики Узбекистана. Biznes – Эксперт. №8(128)-2018.; Закирова С. Инновации как движущая сила развития экономики страны. Xalqaro munosabatlar, 2018, N3. С. 33-42. Аллаева Г.Ж. Ёқилги-энергетика комплекси корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш. Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Т.: 2018. – 60 б.

инновацион фаолиятни молиялаштириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-услубий, молиявий механизмларини тадқиқ этишга бағишланган ишлари муҳим илмий аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт тармоқларига илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишларни фаоллаштириш орқали инновацион технологиялар асосида энергиятежамкор маҳсулотларни таклиф этадиган ёқилғи-энергетика мажмуаси фаолиятини самарали ривожлантиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришга доир ташкилий-иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур тармоқ корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ташкилий-иқтисодий жараёнлари билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги ушбу мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёқилғи энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

корхоналарда инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг моҳиятини ва унинг муҳим жиҳатларини тадқиқ этиш;

замонавий шароитларда корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш хусусиятларини ёритиш;

ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг жаҳон тажрибаси тадқиқ этиш;

ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион салоҳиятини оширишнинг жорий ҳолатини таҳлил этиш;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида ёқилғи-энергетика тармоғи инновацион салоҳиятини ошириш йўналишларини аниқлаш;

инновацион муҳитни давлат томонидан тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш шароитида инновацион фаолиятни молиялаштириш самарадорлигини ошириш бўйича асосий йўналишларни белгилаш;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш йўллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, абстракциялаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, илмий прогнозлаш, иқтисодий-статистик, график-таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат, хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш асосланган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича махсус институтлар, жумладан, инновация ва венчур жамғармаларини ташкил этиш таклиф этилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни рағбатлантириш мақсадида юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондларни барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилиш таклиф этилган;

ёқилғи-энергетика мажмуасига кирувчи корхоналарда инновацион ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни молиялаштириш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш мақсадида соф фойдадан 10 фоиз миқдоридаги ажратмалар ажратиш орқали инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш имкониятлари ва йўллари ишлаб чиқилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришда хорижий тажрибаларни жорий этиш бўйича илмий-амалий таклифлар берилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион салоҳиятни оширишга таъсир этувчи омиллар тавсифланган ва таснифланган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш бўйича илмий таклифлар берилган;

илғор хориж тажрибалари асосида ёқилғи-энергетика корхоналарида

инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг такомиллашган механизми ишлаб чиқилган;

махсус институтларни ташкил этиш орқали инновацион фаолиятни молиялаштиришни рағбатлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни иқтисодчи олимларнинг инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва «Ўзбекнефтгаз» АЖ маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштиришга оид назарий-методологик ва услубий аппарат шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича олинган хулоса ва таклифларни жорий қилиш «Ўзбекнефтгаз» АЖ тасарруфидаги корхоналарда инновацион ишланмалар ва илмий-техника ютуқларини амалиётга жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини берди. Шунингдек, ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали ижросини таъминлашда ва инновацион фаолиятни молиялаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёқилғи энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштиришга доир олинган илмий натижалар асосида:

энергетика соҳасида мавжуд чуқур илм талаб қиладиган технологиялар, дастурий маҳсулотларни модернизация қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги ДС-06/04-02-01-32/3491-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йил нефтегаз тармоғида ушбу мақсадлар учун 10 млрд.сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги ДС-06/04-02-01-32/3491-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга тадбиқ этилиши натижасида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2019 йилдаги харажатлари ҳажми 186 млрд. сўмни ташкил қилган;

ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни рағбатлантириш мақсадида юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондларни барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сон «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги ДС-06/04-02-01-32/3491-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга тадбиқи юқори технологияли инновацион лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондларни рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатган;

ёқилғи-энергетика мажмуасига кирувчи корхоналарда инновацион ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни молиялаштириш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш мақсадида соф фойдадан маълум бир қисмини ажратиш орқали инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тавсияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 мартдаги 195-сон Қарори билан тасдиқланган «Хўжалик бошқаруви органлари ва йирик давлат корхоналаридаги Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида»ги Низомда акс этган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги ДС-06/04-02-01-32/3491-сон маълумотномаси). Мазкур тавсия асосида давлат корхоналарида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган ва жамғарилган маблағлар инновацион фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари**” деб номланиб, унда корхоналарда инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг моҳияти ва асосий манбалари, замонавий шароитларда корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш асослари ҳамда халқаро ёқилғи-энергетика компанияларида инновацион фаолиятни молиялаштириш ва рақобатбардошликни оширишнинг концептуал асослари каби масалалар атрофлича ёритиб берилган ва боб якунида амалга оширилган тадқиқотлар юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

Замонавий иқтисодий шароитларда инновация ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ҳал қилувчи муҳим омил бўлиб, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янада тараққий этган шаклларига ўтишга, шунингдек, аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда яратилаётган моддий ва номоддий маҳсулотларнинг сифатини оширишга имкон яратмоқда.

Ҳозирги даврда ўз фаолиятида инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга асосий эътибор қаратган корхоналар катта фойда кўрувчи корхоналарга айланмоқда. Шу боисдан, бу мамлакатларнинг иқтисодиёти юқори технологияларга асосланган барқарор иқтисодий ўсишда давом этмоқда. Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, юқори технологиялар ва илмий сиғимли маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги йиллик айланмаси хом ашё, шу жумладан нефт, нефт маҳсулотлари ва газ бозоридаги товар айланмасидан бир неча баравар юқори миқдорни ташкил этади⁴.

⁴ Маков В.М. Особенности финансирования инновационной деятельности на предприятиях нефтегазового комплекса // Современная экономика: проблемы, пути решения, перспективы: сборник научных трудов. Кинель: РИЦСГСХА, 2016. С. 475–479.

Инновацион фаолият деганда инновацион муҳитни шакллантириш, инновацион ишланмаларни яратиш ва жорий этиш мақсадида фан, менежмент, тадбиркорлик ва ресурсларни бирлаштирувчи инновацион жараёни ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади. Фикримизча, инновацион фаолият ривожланишини кўллаб-қувватловчи асосий сабаблар куйидагилардан иборат:

иктисодиётнинг реал сектори фаолияти учун амалий йўналтирилган илмий-тадқиқотларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг кучайиб бораётганлиги;

саноати ривожланган мамлакатларнинг инновацион маҳсулотлар (хизматлар), технологиялар бозорига қизиқишининг ортиб бораётганлиги;

истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатиغا, ноёб хусусиятларига ва унинг илмий сифмига бўлган талабининг ошиши;

анъанавий ресурс базаларининг аста-секинлик билан камайиб бориши натижасида ресурсларнинг янги турларини ва уларни қайта ишлаш усулларини излашга қаратилган чора-тадбирларнинг фаоллашуви;


янги маҳсулот турларини яратиш мақсадида иктисодиётнинг саноат тармоғида ресурслардан янада интенсив фойдаланиш имкониятининг ошиши ва бошқалар.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар томонидан махсус илмий тадқиқот сифатида ўрганилган бўлиб мазкур тадқиқотлар муҳим илмий ёндошувларга эгадир. Жумладан, инновацион фаолиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳамда миллий иқтисодиётда инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш йўллари ҳамда мазкур фаолиятни молиялаштириш имкониятларини ошириш масалаларини П.Друкер, Т.Бернс, Р.Кантер, М.Портер ва Й.Шумпетер, О.Никулина, А.Токарев, В.Силкин, В.Маков, О.Белозерцевалар тадқиқ этишган⁵. Мазкур иқтисодчи олимлар ёқилғи-энергетика тармоғида инновацион сиёсатни шакллантириш ва уни амалга ошириш орқали янгиликларни яратиш ва уларни инновацияларга татбиқ этиш, шунингдек инновацияларни капиталлаштириш ва ишлаб чиқариш тармоқларига жорий қилиш орқали тармоқнинг инновацион салоҳиятини ошириш бўйича самарали механизмни яратиш, тармоқ корхоналарининг инновацион фаолиятини молиявий таъминлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, инновацион фаолиятини молиялаштиришни рағбатлантиришда молия ва солиқ сиёсати инструментларидан фойдаланиш каби масалалар бўйича бир қатор муҳим илмий тадқиқотларни амалга оширган.

⁵ Шумпетер Й.А. Теория экономического развития / Й.А. Шумпетер. – М.: Директ-Медиа. 2007. – 400 с.; Drucker P.F. Innovation and entrepreneurship: Practice and principles. - N.Y. etc.: Harper and Row, 1985.; Burns T., Stalker G. M. The management of innovation. Oxford; New York: Oxford University Press, 1994.- 269 с.; Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / пер. с англ. М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. 453 с.

Фикримизча, инновацион фаолиятни молиялаштириш – бу янги турдаги маҳсулотларни лойиҳалаштириш, яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги ускуналар, технологиялар, хизматларни жорий этиш, янги ташкилий шакллар ва бошқарув усуллари ишлаб чиқиш ва қўллашга йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш жараёнидир. Инновацион ишланмаларни молиялаштиришнинг кўплаб шакллари мавжуд бўлиб улардан энг кўп фойдаланиладиганлари қуйидагилар ҳисобланади: фойда, кредиторлик қарзлари ва вақтинча бўш турган маблағлардан фойдаланиш орқали; давлат томонидан молиялаштириш; акциядорлик шаклида молиялаштириш; кредитлар венчур молиялаштириш; лизинг; форфейтинг; аралаш молиялаштириш.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида унинг инновацион салоҳиятини ошириш ҳамда етакчи тармоқлардан ҳисобланган ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш имкониятларидан кенг фойдаланиш нафақат иқтисодий ўсишни таъминлашга балки мамлакатнинг халқаро даражадаги рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришлар шароитида ёқилғи-энергетика корхоналарини инновацион ривожлантириш йўналишларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.




1-расм. Корхоналарда инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари⁶

Инновацион фаолиятга хос бўлган ноаниқлик ва рискларнинг сезиларли даражаси билан боғлиқ ҳолда, инновацияларни молиялаштириш тизимининг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

⁶ Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги;
инновацияларни жорий этиш самарадорлигини таъминлайдиган
молиялаштиришнинг мақсадли йўналтирилганлиги;
молиялаштиришда қўлланиладиган усулларнинг асосланганлиги ва
ҳуқуқий жиҳатдан хавфсизлиги;
молиялаштириш манбаларининг кўплиги.
Мазкур келтирилган тамойилларни инобатга олган ҳолда инновацион
фаолиятни молиялаштириш алгоритмини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.



2-расм. Инновацион фаолиятни молиялаштириш алгоритми⁷

2-расмда инновацион фаолиятни молиялаштириш алгоритми келтирилган. Ёқилғи-энергетика тармоғининг етакчи халқаро компаниялари томонидан нефт, газ ва нефт маҳсулотларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича технологик жараённинг барча босқичларида инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича асосий ваколатлар шакллантирилган. Хусусан, Британия-Голландия нефт-газ концерни «Royal Dutch Shell» ва АҚШнинг «Exxon Mobil Corporation» (АҚШ, Техас) трансмиллий нефт-газ корпорацияси Shell компаниясининг бошқарувига стратегик ёндошувни қўллаш асосида инновацияларни ривожлантиришда

⁷ Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

етарлича тажриба тўплашган. Ҳозирги вақтда Shell кейинги беш йилликдаги инвестицияларга мўлжалланган бюджети 125 млн. АҚШ долларига тенг бўлган «корпоратив венчур молиялаштириш» концепциясини қабул қилди.

1-жадвал

2014-2018 йилларда хорижий мамлакатлар нефт-газ компанияларининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига қилган харажатлари ҳажми, млрд. АҚШ долл.

Компаниялар	Мамлакат	2014	2015	2016	2017	2018
ROSNEFT	Россия	0,86	0,59	0,48	0,51	0,51
GAZPROM	Россия	0,28	0,16	0,19	0,18	0,18
LUKOIL	Россия	0,15	0,09	0,12	0,13	0,16
SHELL	Буюк Британия	1,22	1,09	1,01	0,92	0,98
EXXON MOBIL	АҚШ	0,97	1,01	1,06	1,07	1,11
CHEVRON	АҚШ	0,71	0,6	0,48	0,43	0,45
BP	Буюк Британия	0,66	0,42	0,41	0,39	0,43
PETROBRAS	Бразилия	1,1	0,63	0,99	0,16	0,17
STATOIL	Норвегия	0,47	0,34	0,27	0,25	0,32
PETROCHINA	Хитой	2,33	1,89	2,79	3,53	2,82
TOTAL	Франция	1,79	1,5	1,62	1,58	1,64

Рақобатбардошликни бошқаришнинг асосий воситаси сифатида инновацион ишланмалардан фойдаланадиган энг йирик нефт-газ компанияларидан бири АҚШнинг Exxon Mobil Corporation компанияси бўлиб, 2018 йилда даромадининг 0,67 фоизи инновацион фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилган, бу Иқтисодий ривожланиш вазирлиги томонидан тавсия этилган кўрсаткичдан (0,3 фоиз) юқори миқдорни ташкил этади. Exxon Mobil да янги технологияларни яратиш ва жорий қилиш бўйича фаолият белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун зарур илмий-техник салоҳиятга эга бўлган етакчи ихтисослашган корхоналар ва университетлар асосида амалга оширилади.⁸

Хорижий ёқилғи-энергетика компаниялари орасида мутлақ ҳажм бўйича Хитойнинг Petrochina компанияси етакчилик қилган ҳолда 2014-2018 йилларда инновациялар учун ўртача йилига қарийб 2 млрд. АҚШ доллари инвестиция қилган. Кейинги ўринларни Exxon Mobil (АҚШ), Shell (Буюк Британия) ва Total (Франция) каби компаниялар эгаллаган бўлиб, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун қилинган харажатлар йиллик ўртача 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Анъанавий механизмлардан фарқли равишда инновацион корхоналарни молиялаштириш механизми кўпгина мамлакатларда ўзлик ва қарз маблағлари манбаси ҳисобланади, тараққий этган мамлакатларда эса венчур капиталидан

⁸ <http://corporate.exxonmobil.com/>

кeнг фойдаланилади. Мазкур ҳолат, инновацион даврнинг дастлабки босқичларида янги инновацион технологияларни жорий этишни жадаллаштиришга имкон беради.⁹



3-расм. Хорижий мамлакатларда ёқилғи-энергетика корхоналари инновацион фаолиятини молиялаштириш механизми¹⁰

⁹ Ратнер С.В., Михайлов В.О. (2012) Диверсификация проектного портфеля нефтегазовых корпораций как способ поддержания стратегической конкурентоспособности // Экономический анализ: теория и практика. № 13.

¹⁰ Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ёқилғи-энергетика корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш амалиёти**” деб номланган бўлиб, ушбу бобда хорижий мамлакатларда ёқилғи-энергетика тармоғи инновацион салоҳиятини оширишнинг қиёсий таҳлили, ёқилғи-энергетика тармоғида саноат салоҳиятини оширишда инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими ва ёқилғи-энергетика тармоғи инновацион салоҳиятини оширишнинг жорий ҳолати таҳлили каби масалалар кўриб чиқилган.

Дунёда йилдан-йилга нефт ва газ ресурсларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият соҳасига янги технологияларни жорий этиш бўйича янги услубиётларни ишлаб чиқиш аҳамиятини ошираётган бир қатор ҳолатлар мавжуд.

Биринчидан, дунёнинг кўплаб мамлакатлари (Россия, АҚШ, Канада, Норвегия, Буюк Британия ва бошқалар)да нефт ва газ захиралари камаймоқда ва уларнинг сифати ёмонлашиб, денгиз шелфи (шу жумладан, арктикада) ва денгиз тубидаги конларни ўзлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Иккинчидан, муқобил энергия манбаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши «тахдиди» кучайиб бормоқда. Муқобил энергия манбалари доираси деярли ҳар ўн йилда кенгайиб бормоқда.

Учинчидан, жаҳон энергия ресурслари бозорининг беқарорлиги ортиб бормоқда, бу ерда пасайиш ва кўпайиш тенденциялари кўпинча бир-бирига олдиндан айтиб бўлмайдиган тарзда амал қилади¹¹.

Турли мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Япония, Финляндия, Ҳиндистон каби давлатлар тажрибасини ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, венчур бизнес иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели сифатини тубдан ўзгартириши, уни инвестиция билан таъминлаши, пировард натижада иқтисодий ўсишга олиб келиши, инвестиция тақчиллигини бартараф этиши мумкин.

Жаҳонда ёқилғи-энергетика тармоғининг инновацион ривожланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, энергетика соҳасида турли инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ХХР, Германия, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар етакчилар ҳисобланади. Хитойда ёқилғи-энергетика тармоғидаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли 6,3%, Германия – 5,1%, АҚШ – 4,5%, Японияда – 3,5% энергетика тармоғида инновацияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Шу билан бир қаторда саноати ривожланган мамлакатлар учун жуда муҳим восита солиқ тизими орқали инновацион фаолиятни рағбатлантириш ҳисобланади. Инновацияларни рағбатлантирадиган уч гуруҳ солиқ воситаларини ажратиш мумкин:

¹¹<http://www.paconsulting.com/industries/energy/innovation-and-technology-in-oil-and-gas/>; Global market and industry reports, most including a Porter's Five Forces analysis; company profiles with SWOT analyses, and country-specific data with PESTLE analyses.<http://wwglobalcorporateventuring.com/article.php/6616/water-innovation-in-oiland-gas>

давлат ва хусусий ташкилотларни солиқлардан озод қилиш (қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва илмий ускунани импорт қилишда божхона тўловларини бекор қилиш);

компанияларни тадқиқот ва ишланмалар учун харажатларни оширишга рағбатлантирадиган солиқ имтиёзлари;

ўз фаолиятининг дастлабки босқичларида фаолиятни энди бошлаган компаниялар учун солиқ имтиёзлари.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларида самарали инновацион жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Нефт ва газ тармоғининг илғор инновацион салоҳияти - ишлаб чиқариш, ташкилий, технологик ва техник жараёнлар доимий такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга тобора мураккаб ва самарали техника ва технологияларни, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли ёки услубиётни яратадиган ва қўллайдиган тармоқдаги ходимлар таркиби ҳам ўзгармоқда.

Тармоқ рақобатбардошлигига ва инновацияларни яратиш қобилиятига бўлган асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади: тармоқ маҳсулотлари учун тўловга қобилиятли талаб; ресурсларнинг сиғимкорлиги ва у билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этиш (хомашё, материаллар ва бошқа моддий ресурслар сифати, шунингдек, ишлатиладиган технология сифати); тармоқ корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш кучларининг эскириш даражаси ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозланишга йўналтирилган инвестициялар даражаси.

Тармоқ маҳсулотларига бўлган тўловга қобилиятли талабни ўтган 5 йил мобайнида жўнатиш маҳсулотлардан тушган маблағлар даражаси билан тавсифлаш мумкин (2-жадвал). Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, умуман тармоқ маҳсулотларига бўлган тўловга қобилиятли талаб барқарор ўсиш тенденциясига эга.

2-жадвал

Ёқилғи-энергетика саноати корхоналари маҳсулотларига бўлган тўловга қобилиятли талабнинг ўзгариш коэффициенти динамикаси¹²

	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Тўловга қобилиятли талабнинг коэффициенти	сўм	0,71	0,81	0,88	0,97	1,06

Тармоқ корхоналарининг ресурслар сиғимкорлиги ресурслар қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланган классик кўрсаткич билан тавсифланади (3-жадвал).

¹² «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

Ёқилғи-энергетика корхоналарида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги динамикаси¹³

	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Асосий фондларнинг фонд сиғими, сўм/сўм	сўм/сўм	0,95	1,16	1,14	1,33	1,43

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ёқилғи-энергетика тармоғидаги корхоналарнинг асосий фондларнинг фонд сиғими 2014-2016 йилларда кескин ўзгаришга эга бўлмаган, 2017-2018 йилларда ресурслар сиғимкорлиги кўрсаткичи олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ошган.

4-жадвал

Ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари ишлаб чиқариш кучларининг эскириш даражаси ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестициялар даражаси динамикаси¹⁴

	Ўлчов бирлиги	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1. Ишлаб чиқариш кучларининг эскириш даражаси	%	48,6	44,8	45,4	47,6	45,8
2. Реконструкция, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестициялар даражаси	Асосий капиталга инвестицияларга нисбатан %да	48,8	33,1	78,0	53,0	81,6

Асосий ишлаб чиқариш кучларининг эскириш даражаси ҳамда техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестициялар даражаси 4-жадвалдаги маълумотлар билан тавсифланади. Назарий жиҳатдан асосий капиталга киритилган барча инвестицияларни инновацион инвестицияга киритиш мумкин. Бироқ, бизнинг ҳолатимизда, биз инвестициялар ҳажмидан янги корхоналарни қуришга йўналтирилган инвестицияларни чиқариб ташладик.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёқилғи-энергетика тармоғида фаолият юритувчи корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни фаоллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «...юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб

¹³ «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

¹⁴ «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт»¹⁵. Мазкур ҳолат иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

5-жадвал

Ёқилғи-энергетика тармоғидаги корхоналарнинг инновацион фаолияти кўрсаткичлари¹⁶

	2011-2015 йиллар учун жами	2014-2018 йиллар учун жами
1. Фойдаланилган ИТТ тадбирлари сони	352	379
2. Умумий иқтисодий самара (млрд сўм.)	152,7	361,5
Шундан фойданинг ошиши (млрд сўм.)	141,9	646,2
Шу жумладан харажатларни камайтириш ҳисобига	15,3	108,1
3. Ёқилғи-энергетика ресурслари ва материалларини тежаш		
Бензин (тонн)	806,7	197,0
Электр энергия (минг кВт/соат)	7456,9	10911,1
4. Қўшимча маҳсулот ҳажми		
табiiй газ (млн м ³)	10594,4	238,9
Газ конденсати (минг т)	425,1	248,4
Нефт (минг т)	103,9	5,6

5-жадвалда нефт ва газ тармоғидаги корхоналарнинг инновацион фаолияти кўрсаткичлари таҳлил қилинган (5-жадвал). Бунга кўра сўнгги беш йилликда яъни, 2014-2018 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишга оид кўрсаткичлар олдинги йилларга нисбатан сезиларли равишда ошган. Жумладан, фойдаланилган илмий-техник тадбирлар сони 2014-2018 йилларда 379 тани ташкил этган ҳолда 2011-2015 йиллардаги кўрсаткичга нисбатан 27 тага кўпайган. Умумий иқтисодий самара 208,8 млрд.сўмга ошган. Юқоридагилар асосида таъкидлаш жоизки, тармоқ корхоналарида инновацион фаолликни оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг кенг қўлланилиши натижасида умумий иқтисодий самарадорликка эришишига ҳамда янги инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежамкорликнинг ортишига эришилмоқда. Шу боисдан тармоқ корхоналарида инновацион фаолликни оширишга қаратилган чора-тадбирларни кенг амалга ошириш истиқболда тармоқнинг барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Куйидаги келтирилган 6-жадвалда 2012-2017 йилларда «Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан инновация ярмаркаларида тузилган шартномалар бўйича маълумот келтирилган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (<http://uza.uz>. 22-12-2017).

¹⁶ «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

«Ўзбекнефтгаз» АЖ корхоналари томонидан 2012-2017 йилларда ўтказилган инновация ярмаркаларида тузилган шартномалар ҳолати тўғрисида маълумот (млн. сўм)¹⁷

Йиллар	Жами		Шу жумладан:				Жами тўланган	шу жум. %да	Бекор қилинган	
	сон	Умумий қиймати	Тугатилган		Амалга оширилаётган				сон	қиймати
			сон	Умумий қиймати	сон	Умумий қиймати				
2012	16	1515,6	12	1065,6	2	330	1265,7	90,7	2	120
2013	15	1550,9	9	675,6	3	560,3	926,9	75	3	315
2014	12	1541,2	9	836,2	3	705	1219,4	79,1	0	0
2015	19	1982,5	13	1271,5	4	660	1709	88,5	2	51
2016	19	1667	12	981,5	4	536	1194,5	78,7	3	149,5
2017	15	2367	5	935	7	1300	1532,9	68,6	3	132
Жами:	96	10624,2	60	5765,4	23	4091,3	7848,4	80,1	13	767,5

2012-2017 йилларда «Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан жами қиймати 10624,2 млн. сўмлик 96 та шартнома тузилган, шундан ҳозирги кунга қадар 60 таси ёки умумий қиймати 5765,4 млн. сўмлик шартномада кўзда тутилган инновацион лойиҳалар амалиётга жорий этилган. Бугунги кунда «Ўзбекнефтегаз» АЖ томонидан умумий қиймати 4091,3 млн. сўмлик 23 битим амалга оширилмоқда. 2019 йил 12 ой натижаларига кўра, I-X инновацион ярмаркаси давомида «Ўзбекнефтгаз» АЖ корхоналари томонидан тузилган шартномаларнинг бажарилиши 88,05 фоизни ташкил этади. Умумий ҳолда айтиш мумкинки, «Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида инновацион ишланмаларни жалб этиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар фаоллашиб бормоқда.

